



QARSHI MUHANDISLIK -  
IQTISODIYOT INSTITUTI

# INNOVATION IQTISODIYOT

Ilmiy-amaliy elektron jurnal

# ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА

Научно-практический электронный журнал

# THE INNOVATION ECONOMY

Electronic Scientific and Practical Journal



2024 / 4



innoeconomic@qmii.uz



Qarshi shahri,  
Mustaqillik ko'chasi 225 - uy



<https://ojs.qmii.uz/index.php/ej>



# INNOVATION IQTISODIYOT

## ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

2-jild  
4-son  
dekabr, 2024

December 2024  
Volume 2  
Number 4

ИННОВАЦИОННАЯ ЭКОНОМИКА  
Научно-практический  
электронный журнал

THE INNOVATION ECONOMY  
Electronic Scientific and Practical  
Journal

# INNOVATION IN ECONOMICS

ILMIY-AMALIY ELEKTRON JURNAL

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

## Muassis:

**Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti**

## Bosh muharrir:

O.SH.Bazarov, texnika fanlari nomzodi, dotsent

*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti rektori*

## Bosh muharrir o'rinnbosari:

R.X.Ergashev, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti*

## Mas'ul muharrir:

N.A.Ochilova, PhD.

*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti*

## Texnik muharrir:

F.F.Haqqulov

*Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti*

Jurnal 1 yilda 4 marotaba elektron shaklda  
jurnalning rasmiy sayti orqali nashr etiladi.

## Tahririyat manzili:

180100, Qarshi shahri, Mustaqillik ko'chasi 225-uy

Tel.: +998 (75) 221 09 23

+998 (93) 902 72 63

Faks: +998 (75) 221 1395

E-mail: innoeconomic@qmii.uz

**"Innovations in Economics"** ilmiy-amaliy elektron  
jurnali - O'zbekiston Respublikasi Prezidenti  
Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy  
kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2023-yil  
10-martda 068055-raqam bilan ro'yxatga olingan.

## Jurnalda quyidagi ruknlar asosida maqolalar nashr etiladi:

1. Nazariya va metodologiya
2. Raqamlı iqtisodiyot
3. Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti
4. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik
5. Inson kapitali iqtisodiyoti
6. Menejment va marketing
7. Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit
8. Moliya, kredit va investitsiya
9. Ekonometrika va statistika
10. Xizmatlar sohasi

## TAHRIRIYAT KENGASHI:

### Tahririyat Kengashining xalqaro a'zolari:

Ovchinikov Viktor Nikolaevich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor, akademik (Janubiy Federal Universitet, Rossiya)

Solodovnikov Sergiy Yurevich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Belorussiya milliy texnika universiteti)

Shevchenko Igor Viktorovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Kuban davlat universiteti, Rossiya)

Kusainov Xalel Xaymullaevich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Qozog'iston davlat texnologiya universiteti)

Samandarzoda Iskandar Hakim - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Sh.Shotemur nomidagi Tojikiston agrar universiteti)

Sidirov Viktor Aleksandrovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Kuban davlat universiteti)

Dmitro Dema - iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Ukraina milliy universiteti, Jitomir)

### Tahririyat Kengashi a'zolari:

Abdurahmonov Qalandar Xodjaevich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor, akademik

Gulyamov Saidaxror Saidaxmedovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor, akademik

Yusupov Ahmadbek Tadjievich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardaev Mamayunus Qarshiboevich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Vaxabov Abduraxim Vasikovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Maxmudov Nosir Maxmudovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nazarova Fatima Xakimovna - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Murtazaev Olim - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Navro'z-zoda Baxtiyor Ne'matovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xatamov Ochiliddi Qurbonovich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xamraeva Sayyora Nasimovna - iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Salimov Baxtiyor Tadjievich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor.

Rustamova Iroda Baxramjanovna - iqtisodiyot fanlari doktori, professor.

Xurramov Azamat Fayzullaevich - iqtisodiyot fanlari doktori, professor.

Xayriddinov Azamat Botirovich - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Berdiev Abdumalik Hakimovich - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Fayzieva Shirin Shodmonovna - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Omonov Rustam Farmonovich - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Samiyeva Gulnoza Taxirovna - iqtisodiyot fanlari falsafa doktori, dotsent.

Egamberdieva Salima Raimberdievna - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Tursunov Imomnazar Egamberdievich - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Aliqulov Azamat Tuyg'unovich - iqtisodiyot fanlari falsafa doktori, dotsent.

Erkaeva Gulbahor Panjievna - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Aminov Fazlitdin Baxadirovich - iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Xo'jaqulova Nigora Rustamovna - iqtisodiyot fanlari falsafa doktori.

Turobov Sherzod Alisherovich - iqtisodiyot fanlari falsafa doktori.

Ergasheva Nasiba Rahmatullayevna - iqtisodiyot fanlari falsafa doktori.

Panjiev Samijon Alikulovich - pedagogika fanlari falsafa doktori,

# **Инновационная экономика**

**НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ**

ISSN: 3030-315X

ojs.qmii.uz

## **Учредитель:**

**Каршинский инженерно-экономический институт**

## **Главный редактор:**

О.Ш.Базаров, кандидат технических наук, доцент, ректор Каршинского инженерно-экономического института

## **Заместитель редактора:**

Р.Х.Эргашев, доктор экономических наук, профессор, Каршинский инженерно-экономический институт

## **Ответственный редактор:**

Н.А.Очилова, PhD.  
Каршинский инженерно-экономический институт

## **Технический редактор:**

Ф.Ф.Хаккулов  
Каршинский инженерно-экономический институт

Журнал издается 4 раза в год в электронном виде через официальный сайт журнала.

## **Адрес редакции:**

180100, г. Карши, ул. Мустакиллик, 225.  
Тел.: +998 (75) 221 09 23  
+998 (93) 902 72 63

Научно-практический электронный журнал «**Инновационная экономика**» зарегистрирован Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан 10 марта 2023 года за номером 068055.

## **Статьи публикуются в журнале на основе следующих рубрик:**

1. Теория и методология
2. Цифровая экономика
3. Экономика региона и отрасли
4. Малый бизнес и частное предпринимательство
5. Экономика человеческого капитала
6. Менеджмент и маркетинг
7. Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит
8. Финансы, кредит и инвестиции
9. Эконометрика и статистика
10. Сфера услуг

## **РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ: Международные члены Совета редколлегии:**

Овчинников Виктор Николаевич - доктор экономических наук, профессор, академик (Южный федеральный университет, Россия)

Солодовников Сергей Юрьевич - доктор экономических наук, профессор (Белорусский национальный технический университет)

Шевченко Игорь Викторович - доктор экономических наук, профессор (Кубанский государственный университет, Россия)

Кусаинов Халел Хаймуллаевич - доктор экономических наук, профессор (Казахстанский государственный технологический университет)

Самандарзода Искандар Ҳаким - доктор экономических наук, профессор (Таджикистанский аграрный университет им. Ш.Шотемура)

Сидиров Виктор Александрович - доктор экономических наук, профессор (Кубанский государственный университет)

Дмитрий Дема - доктор экономических наук, профессор (Национальный университет Украины, г. Житомир)

## **Члены Совета редколлегии:**

Абдураҳмонов Қаландар Ҳоджаевич - доктор экономических наук, профессор, академик

Гулямов Саидахор Ҷаҳонғулович - доктор экономических наук, профессор, академик

Юсупов Аҳмадбек Таджиевич - доктор экономических наук, профессор

Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич - доктор экономических наук, профессор

Вахабов Абдураҳим Васикович - доктор экономических наук, профессор

Махмудов Носир Махмудович - доктор экономических наук, профессор

Назарова Фатима Ҳакимовна - доктор экономических наук, профессор

Муртазаев Олим - доктор экономических наук, профессор

Наврӯз-зода Баҳтиёр Неъматовиҷ - доктор экономических наук, профессор

Хатамов Очилди Қурбонович - доктор экономических наук, профессор

Хамраева Сайёра Насимовна - доктор экономических наук, профессор

Салимов Баҳтиёр Таджиевич - доктор экономических наук, профессор.

Рустамова Ирода Баҳрамжановна - доктор экономических наук, профессор.

Хуррамов Азамат Файзулаевич - доктор экономических наук, профессор.

Хайдиддинов Азамат Ботирович - кандидат экономических наук, доцент.

Бердиев Абдумалик Ҳакимович - кандидат экономических наук, доцент.

Файзиева Шириш Шодмоновна - кандидат экономических наук, доцент.

Омонов Рустам Фармонович - кандидат экономических наук, доцент.

Самиева Гулноза Тахировна - кандидат экономических наук, доцент.

Эгамбердиева Салима Раимбердиевна - кандидат экономических наук, доцент.

Турсунов Имомназар Эгамбердиевич - кандидат экономических наук, доцент.

Алиқұлов Азамат Туйғунович - кандидат экономических наук, доцент.

Эрқаева Гулбаҳор Панжиевна - кандидат экономических наук, доцент.

Аминов Фазлитдин Баҳадирович - кандидат экономических наук, доцент.

Хужакулова Нигора Рустамовна - кандидат экономических наук.

Туробов Шерзод Алишерович - кандидат экономических наук.

Эргашева Насиба Раҳматуллаевна - кандидат экономических наук.

Панжиев Самижон Алиқұлович - PhD, доцент.

# Mundarija

<b>Nazariya va metodologiya</b>	8
IQTISODIY TADQIQOT OBYEKTI ASOSIDA MEHNAT POTENSIALINI BOSHQARISH	9
<i>Djanmaxmadov, Kurbonali Sheraliyevich</i>	
TA'LIM SOHASINI RIVOJLANIRISHDAGI MUAMMOLAR VA UNGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR	14
<i>Xujakulova, Nigora Rustamovna<sup>1</sup>, Poyonova, Aziza Nasriddin qizi<sup>2</sup></i>	
<b>Raqamli iqtisodiyot</b>	18
RIVOJLANAYOTGAN MAMLAKATLarda RAQAMLASHTIRISHNING IQTISODIY O'SISHGA TA'SIRI	19
<i>Ergashev, G'ayrat Urolovich</i>	
<b>Mintaqa va tarmoqlar iqtisodiyoti</b>	25
MINTAQADA "YASHIL IQTISODIYOT" ASOSIDA BARQAROR IQTISODIY O'SISHNI TA'MINLASH MASALALARI	26
<i>Samiyeva, Gulnoza Toxirovna, Aliqulov Humoyun Tohir o'g'li</i>	
<b>Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik</b>	35
QISHLOQ XO'JALIGI MAHSULOTLARINI SANOAT USULIDA QAYTA ISHLASH JARAYONLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH	
YO'NALISHLARI	36
<i>Saidova, Gulnoza Tulkunovna</i>	
<b>Inson kapitali iqtisodiyoti</b>	42
ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСНИФИ	43
<i>Очилов Акрам Одилович, Алимова Муниса Юлчиевна,</i>	
<b>Menejment va marketing</b>	49
GLOBALLASHUV SHAROITIDA O'ZBEKISTON EKSPORTI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISH MUAMMOLARI	50
<i>Nargiza Eshqobilova Mengnarovna, Usmonova Adiba Azim qizi</i>	
<b>Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit</b>	55
TEXNOLOGIK TARAQQIYOT VA UNING IQTISODIY O'ZGARISHLARGA TA'SIRI	56
<i>Eshqobilova, Nargiza Mengnarovna, Pardayev, Jahongir Abdumurot o'g'li</i>	
<b>Xizmatlar sohasi</b>	61
ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ	
ИҚТИСОДИЙ ЙўНАЛИШЛАРИ	62
<i>Тайлакова, Диляфуз Боймаматовна</i>	

# Содержание

<b>Теория и методология</b>	8
ТРУДОВОЙ ПОТЕНЦИАЛ И УПРАВЛЕНИЕ ТРУДОМ КАК ОБЪЕКТЫ ЭКОНОМИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ	9
Джонмахмадов, Курбонали Шералиевич	
ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА НЕЕ	14
Хужакулова, Нигора Рустамовна <sup>1</sup> , Пойноева, Азиза Насриддин кизи <sup>2</sup>	
<b>Цифровая экономика</b>	18
ВЛИЯНИЕ ЦИФРОВИЗАЦИИ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЙ РОСТ В РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАНАХ	19
Эргашев, Гайрат Уролович	
<b>Экономика региона и отрасли</b>	25
ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОСНОВЕ «ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКИ» В РЕГИОНЕ	26
Самиева Гульноза Тохировна, Аликулов Хумоюн Тохир угли	
<b>Малый бизнес и частное предпринимательство</b>	35
НАПРАВЛЕНИЯ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННОЙ ПЕРЕРАБОТКИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ПРОДУКЦИИ	36
Сайдова, Гулноза Тулкуновна	
<b>Экономика человеческого капитала</b>	42
КЛАССИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА УРОВЕНЬ ЖИЗНИ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ	43
Очилов Акрам Одилович, Алимова Муниса Юлчиевна,	
<b>Менеджмент и маркетинг</b>	49
ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ЭКСПОРТА УЗБЕКИСТАНА В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	50
Усмоновой Адиба Азим кизи	
<b>Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит</b>	55
ТЕХНИЧЕСКИЙ ПРОГРЕСС И ЕГО ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ.	56
Эшкобилова, Наргиза Менгнаровна, Пардаев, Джахангир Абдуумурат угли.	
<b>Сфера услуг</b>	61
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ КАШАДАРЫНСКОЙ ОБЛАСТИ	62
Тайлакова, Диляфруз Боймаматовна	

# Contents

<b>Theory and methodology</b>	8
LABOR POTENTIAL AND LABOR MANAGEMENT AS OBJECTS OF ECONOMIC RESEARCH .....	9
<i>Djanmakhmadov, Kurbonali Sheralevich</i>	
PROBLEMS IN EDUCATION DEVELOPMENT AND FACTORS AFFECTING IT.....	14
<i>Khujakulova, Nigora Rustamovna<sup>1</sup>, Poyonova, Aziza Nasriddin kizi<sup>2</sup></i>	
<b>Digital economy</b>	18
THE IMPACT OF DIGITALIZATION ON ECONOMIC GROWTH IN DEVELOPING COUNTRIES .....	19
<i>Ergashev, Gayrat Urolovich</i>	
<b>Economy of the region and industry</b>	25
ISSUES OF ENSURING SUSTAINABLE ECONOMIC GROWTH BASED ON THE "GREEN ECONOMY" IN THE REGION .....	26
<i>Samieva Gulnoza Tokhirovna Alikulov, Khumoyun Tohir ugli</i>	
<b>Small business and private entrepreneurship</b>	35
DIRECTIONS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INDUSTRIAL PROCESSING OF AGRICULTURAL PRODUCTS .....	36
<i>Saidova, Gulnoza Tulkunovna</i>	
<b>Economics of human capital</b>	42
CLASSIFICATION OF FACTORS AFFECTING THE LIVING STANDARD OF THE RURAL POPULATION .....	43
<i>Ochilov Akram Odilovich, Alimova Munisa Yulchievna,</i>	
<b>Management and Marketing</b>	49
PROBLEMS OF INCREASING THE COMPETITIVENESS OF UZBEKISTAN'S EXPORTS UNDER GLOBALIZATION .....	50
<i>Usmonova Adiba Azim kizi</i>	
<b>Accounting, economic analysis and audit</b>	55
TECHNOLOGICAL PROGRESS AND ITS IMPACT ON ECONOMIC CHANGES.....	56
<i>Eshkobilova, Nargiza Mengnarovna, Pardaev, Jakhangir Abdumurat ugli</i>	
<b>Service sector</b>	61
ECONOMIC DIRECTIONS FOR DEVELOPING THE SERVICE SECTOR IN RURAL AREAS OF KASHKADARYA REGION .....	62
<i>Taylakova, Dilafruz Boymamatovna</i>	

Xizmatlar sohası

Сфера услуг

Service sector

# ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КҮРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тайлакова, Дилафруз Боймаматовна

## ЭКОНОМИЧЕСКИЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В СЕЛЬСКОЙ МЕСТНОСТИ КАШАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Тайлакова, Дилафруз Боймаматовна

## ECONOMIC DIRECTIONS FOR DEVELOPING THE SERVICE SECTOR IN RURAL AREAS OF KASHKADARYA REGION

Taylakova, Dilafruz Boymamatovna

Received: Nov 14th, 2024 Revised: Nov 18th, 2024 ■ Accepted: Nov 20th, 2024 ■ Published Online: Jan 6th, 2024

- **Аннотация:** Ушбу мақолада қишлоқларда хизмат күрсатиш соҳасини жадаллашишининг асосий омилларидан бири ахоли талабларининг хизмат күрсатиш турларига бўлган талаб, уларнинг янги соҳаларини яратиш ва фаолият юритаётганларини кучайтириш, янги иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш имконини яратиш, қишлоқ жойларда хизмат күрсатиш турларини кенгайтириш ва күрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш, шу асосида ахоли бандликни таъминлаш, ахоли даромади ва фаровонлигини кўтаришдаги аҳамиятини ошириш ҳамда тадбиркорликни кўллаб-кувватлаш орқали ахоли бандлигини таъминлаш орқали қишлоқ жойларда хизмат күрсатиш соҳасини ривожлантиришниң концептуал йўналишлари ёритилган.
- **Калит** сўзлар: хизмат күрсатиш, қишлоқ жойларда, ахоли талаблари, янги иш ўринлари, иқтисодий ўсиш, ахоли бандлиги, концептуал йўналишлар, ижтимоий ва иқтисодий муаммолар
- **Аннотация:** В данной статье одним из основных факторов ускорения развития сферы услуг в селах является спрос на виды услуг со стороны населения, создание новых отраслей и усиление существующих, создание новых рабочих мест, возможность повышения своего благосостояния, расширение видов услуг на селе и предоставляемых услуг на селе за счет повышения ее качества, обеспечения занятости населения на этой основе, повышения ее значимости в повышении доходов и благосостояние населения, а также обеспечение

занятости населения путем поддержки предпринимательства выделены концептуальные направления развития выставочного пространства.

- **Ключевые** слова: предоставление услуг, сельская местность, потребности населения, новые рабочие места, экономический рост, занятость населения, концептуальные направления, социально-экономические проблемы.
- **Abstract:** This article discusses the conceptual directions for the development of the service sector in rural areas, which are one of the main factors in the acceleration of the service sector in rural areas, namely the demand for types of services by the population, the creation of new sectors and the strengthening of existing ones, the provision of new jobs, the creation of opportunities for increasing their well-being, the expansion of types of services in rural areas and the improvement of the quality of services provided, and on this basis, ensuring employment of the population, increasing its importance in raising the income and well-being of the population, and ensuring employment of the population by supporting entrepreneurship.
- **Keywords:** service, rural areas, population demands, new jobs, economic growth, population employment, conceptual directions, social and economic problems

## КИРИШ.

Бугунгиундажамияттараққиётинингҳозиргибосқичида хизмат кўрсатиш соҳаси жаҳон иқтисодиётининг асосий соҳаси сифатида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Жаҳон ялпи маҳсулотининг 60-70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, жаҳон миқёсида 45,3 фоизи аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қиласи [1]. Маълумотларга қараганда “жаҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир” [2]. Бугунги глобаллашув шароитида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини оширишни концептуал ёндашувлар ва рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари, рақамли технологиялар асосида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари, қишлоқда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АҚТдан фойдаланиб ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб

борилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага имтиёзлар бериш, қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, улар учун етарли миқдорда унумли иш ўринларини яратиб бериш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар аҳолиси турмуш даражасига қадар кўтариш” [3] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур устувор вазифаларни ижросини таъминлашда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлик даражасини ошириш, рақамли технологиялар ҳамда инновацион фаoliyatни ишлаб чиқариш, инфратузилма ва илмий таъминот интеграцияси асосида ривожлантириш каби йўналишларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

## МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик масалаларининг илмий асослари хорижлик иқтисодчи олимлари томонидан тизимли тадқиқотлар олиб борилган. Ҳусусан, Д.Белл [4], Д.Гэлбрейт [5], М.Фридмен [6] ва бошқа олимларнинг

илмий ишларида ўз аксини топган.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган МДҲ мамлакатлари иқтисодчи олимлари қаторига З.И.Белкина [7], В.Н.Бобков [8], Ю.Г.Одегов [9], Л.С. Дегтярь [10] ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш борада иқтисодчи олимлар О.С.Аманов [11], М.Қ.Пардаев [12], Э.Э.Рустамов [13], Б.Э. Тагаев [14], Д.И. Усмонова [15], Б.Ҳ.Қўзибоев [16] ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Аммо, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини ошириш билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаганлиги, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу эса мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ тадқиқотлар етарли даражада эмаслиги ушбу мавзуда чуқур илмий-услубий изланишларни амалга оширишни зарурат этади.

## ■ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини оширишнинг моҳияти ва уларнинг иқтисодиётдатутган ўрни ҳамда хос бўлган асосий хусусиятларини асослаб бериш, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари, ҳозирги вақтда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини оширишга доир таҳлилида индукция ва дедукция, тизимли таҳлил, қиёсий таҳлил этиш, жадвал ва графиклар усуllibаридан фойдланилди ва таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан саналади.

## ■ ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берила бошланди.

Шу сабабли Ўзбекистонда иқтисодиётнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб соҳа ва тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ортидан, миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатлarda ривожлантиришни таъминламоқда.

Ўсиш кўрсаткичи жадаллашишининг асосий омилларидан бири аҳоли талабларининг муттасил ошиб борганлиги билан боғлиқ. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш турларига бўлган талаб, уларнинг янги соҳаларини яратиш ва фаолият юритаётганларини кучайтиришни тақозо қиласди. Ушбу жараён одамларни янги иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш имконини яратади.

Ўзбекистонда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланди. Бу ҳолат қўйидаги сабабларга кўра юзага келди:

хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аҳолига ва ташкилотларга пуллик хизмат кўрсатиш ошиб борди;

кўплаб янги ва замонавий хизмат турлари пайдо бўлди; хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобат кучайди. истеъмолчилар талаби ва дунё қарashi ўзгарди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қўйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда:

соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, болалар спортини ривожлантириш, компютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;

депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғуртафаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;

## Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари

Ижтимоий йўналишлар:	Иқтисодий йўналишлар:
<p><b>Таълим хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мактабгача таълим (давлат, хусусий, давлат иштироқидаги);</li> <li>- ўрга мактаб таълими (давлат ва хусусий);</li> <li>- ўрга маҳсус таълим (коллеж, лицей ва техникумлар);</li> <li>- олий таълим (давлат ва хусусий);</li> <li>- ўқув (репетиторлик) марказлари (давлат ва хусусий) ва бошқалар.</li> </ul>	<p><b>Агро сервис хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- техника орқали ерга ишлов бериш (хайдаш, милоратив ҳолатини ошириш ва бошқалар);</li> <li>- ветеринария (ҳайвонларни уруғлантириш, соғлигини сақлаш, насл олиш ва бошқалар);</li> <li>- маҳсус техника транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш (таъмирлаш) ва бошқалар;</li> </ul>
<p><b>Соғлиқни сақлаш хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- туман марказий шифохоналари;</li> <li>- қишлоқ врачлик пунктлари;</li> <li>- оиласий поликлиника (амбулатория)лар;</li> <li>- стационар (клиника) марказлар;</li> <li>- хусусий тиббий муассасалар;</li> <li>- замонавий технология асосида ташхис марказлари.</li> </ul>	<p><b>Туризм хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- экотуризм;</li> <li>- меҳмонхоналар;</li> <li>- аграр туризм.</li> </ul>
<p><b>Маъданий – маънавий дам олиш ва спорт хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- курорт - санаториялар (давлат ва хусусий);</li> <li>- миллий театр (кино, қўғирчок театр), музейлар (давлат ва хусусий);</li> <li>- истеъроҳат боғлари (парк кўнгилочар павилионлар, атракционлар) ва бошқалар;</li> <li>- спорт (комплекслари) соғломлаштириш (тренажор заллар) муассасалари (давлат ва хусусий) ва бошқалар;</li> <li>- инновацион илмий марказлар;</li> </ul>	<p><b>Машиий хизматлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- уй-жой коммунал;</li> <li>- пойафзал таъмирлаш;</li> <li>- ателье, тикув;</li> <li>- дурадгорлик (эшик, ром ясаш);</li> <li>- сартарошхоналар (гўзаллик салони);</li> <li>- электро техника приборлари ва компьютер ускуналарини ўрнатиш, таъмирлаш ва бошқалар);</li> <li>- мебелларни ўрнатиш, таъмирлаш ва бошқалар.</li> </ul>
<p><b>Алоқа хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- телефон, интернет алоқа линиялари;</li> <li>- телефон ва интернет провайдерлар (давлат ва хусусий);</li> <li>- пошта ва курьерлик хизматлари (давлат ва хусусий) ва бошқалар;</li> </ul>	<p><b>Молиявий хизматлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- банк ва ломбардлар (давлат ва хусусий);</li> <li>- сугурта (давлат ва хусусий) ва бошқалар;</li> </ul>
<p><b>Коммунал хизматлар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- газ таъминоти(давлат);</li> <li>- электро – энергия таъминоти(давлат);</li> <li>- ичимлик ва иссиқ сув таъминоти (давлат ва хусусий) ва бошқалар.</li> </ul>	<p><b>Транспорт хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- йўловчи ташиши.</li> </ul>
	<p><b>Савдо хизматлари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- улгуржи;</li> <li>- чакана.</li> <li>- бозор субъектлари (ихтисослашган бозорлар) ва бошқалар.</li> </ul>

1-расм Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари<sup>6</sup>

<sup>6</sup> Muallif ishlanmasi

транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жорий этиш.


Ўзбекистонда 2019-2022 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури [17] тараққиётда янги қадам бўлди. Ушбу ҳужжат соҳа ривожини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлиб, шу асосда мамлакат иқтисодий тараққиётида барқарор ва ўсиб борувчи хизмат кўрсатиш соҳасининг бандликни таъминлаш, аҳоли даромади ва фаровонлигини кўтаришдаги аҳамиятини оширишдан иборат бўлди. Мамлакат иқтисодиётидаги каби дастурлар қабул қилиниши натижасида Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуси 2023 йилда 34,6 [18] фоизга етди. Бу шундан далолат берадики хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши аҳолининг истеъмол талаби билан чамбарчас боғлиқ. Сабаби, ЯИМ таркибида унинг улуси соҳалар ичida юқорилиги мамлакат иқтисодиётидаги ҳам муҳим соҳалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуси ЯИМ таркибида юқори ўринда

туради. Масалан АҚШ ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуси 79 фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда ҳар қандай соҳа ва тармоқлар ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли мамлакатида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий соҳа сифатида кўриш зарур. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади, муайян бир соҳани ривожлантиришда унга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқламасдан, уларнинг ечимларини топмасдан туриб бу соҳани келажакда ривожлантириш қийин ҳисобланади. Шу сабабли ҳам қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳукумат томонидан мўлжалланган дастур ва қарорлар қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113 сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорида хизмат кўрсатиш йўналишларида тезкор ўсиш суроътларини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш йўналишлари келтирилган. Бизнинг фикримизча, ушбу қарорга асосан қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари юқоридагилардан иборат (1-расм).

Бугунги кунда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни



**2-расм.** Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Muallif ishlanmasi

таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбай сифатида хизмат кўрсатиш имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммолари сифатида ривожланишга салбий таъсир этаётган сабабларни аниқлаш орқали қишлоқ жойларини жадал ривожлантириш мумкин. Бизнинг фикримизча қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муаммолар мавжуд (2-расм).

2-расмдан кўриш мумкинки қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантироқчи бўлсак унга боғлиқ ҳолатда хизмат кўрсатиш соҳаси муаммоларини инобатга олиш, уларни бартараф этиш, айнан шу ҳолда қишлоқ жойларининг ижтимоий – иқтисодий комплекс ривожлантириш чораларини кўриш зарурати биринчи ўринга чиқади.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг яхши ривожланмаганлиги, ўз навбатида, жойлардаги ишсизлик даражасига, аҳолининг турмуш шароитига, умуман хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигидан келиб чиқиб, юқоридаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, бизнинг фикримизча, қўйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

- қишлоқ жойларидағи доимий аҳолининг талаби ва эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойларига мутаносиб хизмат кўрсатиш тури ва шаклини янада кенгайтириш;

- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида муайян имтиёзлар бериш;

- қишлоқ жойларида замон талабидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг истиқболлийўналишлари бўлган компьютер хизматлари, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари, молиявий хизматлар, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва туризм-мехмонхона хизматларини қишлоқ жойларида ривожлантириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун имтиёзли фоизлардаги банк кредитлари ажратиш ва қишлоқ жойларида ҳар

бир аҳоли учун мўлжалланган паст фоизли мақсадли кредитлар бериш;

- қишлоқ жойларининг чекка худудларида иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3-5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат кўрсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқ тўловларида имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда мухимdir. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- қишлоқ жойларида майший хизмат, компьютер хизматлари, таълим соҳасидаги хизматлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар, молиявий хизматлар, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- мактаб ва коллеж битирувчиларига хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларга янги субъектларни очиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган веб сайтларни ишга тушириш орқали кўникмалар ҳосил қилиш;

- қишлоқ жойларида яшовчи аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;

- қишлоқ жойлари учун янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- қишлоқ жойлари учун мўлжалланган инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технология ва ускуналарнинг жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар ривожлантирилишини ташкил этиш;

- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш;

- қишлоқ жойларида тадбиркорликни, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишиланган амалий семинарлар ташкил этиш;

- қишлоқ жойларида мавжуд хизматлар бозоридаги иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш ва доимий рағбатлантириб бориш;

- қишлоқ жойларида кўрсатиладиган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- қишлоқ жойларида хизмат күрсатувчи корхоналарнинг ўз фаолиятини самарали бошқаришга эришиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиб, амалиётга кенг жорий этиш;
- қишлоқ жойларида хизмат күрсатиш соҳасида мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш ва ҳоказо.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, қишлоқ жойларида хизмат күрсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш:

1. Ўзбекистон Республикасида сўнгги ўн йилликда хизмат күрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланди. Чунки, тадбиркорлик ва бизнес муҳити ўзгарди. Аҳолининг шахсий харид қобиляти хизмат күрсатиш соҳасига бўлган талабни шакллантириди.
2. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар таълим, тиббиёт, алоқа, банк ва турли хизмат күрсатиш соҳаси тармоқларини ривожланишига имкон берди. Бу ривожланиш аҳолининг мавжуд зарур хизмат күрсатишга бўлган талабини ўз вақтида қондириш имконини оширади.
3. Қишлоқ жойларда аҳолининг доимий иш билан бандлигини таъминлаш ва оширмоқчи бўлсак, давлат ўзининг истиқболли дастурлари асосида инфляция даражасини пасайтириш мақсадларини тизимли ташкил этиши зарур. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши ижобий хулоса бўлиб, битта янги корхона ташкил этилиши ҳисобига 2030 йилга бориб бизнес муҳити қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашга таъсир этади. Шу сабабли давлат инфляция даражасини жиловлаши, ижтимоий-иқтисодий комплекс дастурлар орқали инфляция даражаси пасайшиига самарали таъсир этиши керак.
4. Қишлоқ жойларида хизмат күрсатиш соҳасида банд аҳоли улушкини оширишда 2003 йилда қишлоқ жойларда хизмат күрсатиш соҳасида бандлар сони 3047,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб 4690,5 минг кишига етади. Бу жараён қишлоқ жайларида хизмат күрсатиш соҳаси мўтадил ривожланишини таъминлади.

### Muallif haqida / Сведения об авторе / Author details

1. Тайлакова, Дилафуз Боймаматовна ҚарМИИ "Инновацион иқтисодиёт" кафедраси ассистенти

- / Тайлакова, Дилафуз Боймаматовна -ассистент кафедры "Инновационная экономика" КИЭИ / Taylakova, Dilafruz Boymamatovna - Assistant of the Department of Innovative Economics of KIEI
- [taylakovadilafruz7@gmail.com](mailto:taylakovadilafruz7@gmail.com)
- <https://orcid.org/0009-0002-8051-4310>

### Foydalanilgan adabiyotlar:

- [1] [https://www.eurekalert.org/pub\\_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php](https://www.eurekalert.org/pub_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php)
- [2] <https://www.undp.org/content/undp/en/home.html>
- [3] Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. lex.uz/acts/3107036.
- [4] Bell D. The Winding Passage: Sociological Essays and Journeys. – Routledge, 2019. – 399 p.
- [5] Galbraith J. K. The culture of contentment. – Princeton University Press, 2017. – 176 p.
- [6] Friedman M. Money and Economic Development/ M.Friedman// 2013. №4. – Р.70.
- [7] Белкина З.И. Экономика: учебно-методический комплекс. М.: Проспект, 2015. -224 с.
- [8] Бобков В.Н., Вередюк О.В., Колосова Р.П., Разумова Т.О. Занятость и социальная прекаризация в России: введение в анализ. – М.: ТЭИС. 2014. – 96 с.
- [9] Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно-логических схемах.-М.: Академический проект. 2005. – С.348.
- [10] Дегтярь.Л.С. Мировой опыт пенсионных реформ и реформирование пенсионной системы в России. М: 2002, -142 с.
- [11] Аманов О.А. Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини ошириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.-Т.: 2019, 48 б.
- [12] Пардаев М.Қ. Хизмат күрсатиш тармоклари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. -Т : Навруз, 2014.-264.
- [13] Рустамов Э.Э. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари: иқт.фан.фал. док.(PhD) автореф.-Т.: 2019, 65 б.
- [14] Тагаев Б.Э. Рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: иқт. фан.док.(DSc) автореф.-Т.: 2021, 67 б.
- [15] Усмонова Д.И. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини күрсатиш самарадорлигини ошириш: иқт.фан.фал. док.(PhD) автореф.-Самарқанд.: 2018, 57 б.
- [16] Қўзибоев Б.Х. Минтақада хизматлар

соҳасини ривожлантириш механизмларини тақомиллаштириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.- Урганч.: 2021, 52 б.

[17] “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли Қарори.

[18]<https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS?contextual=default&locations=UZ&view=chart>

December 2024

Volume 2

Number 3



# INNOVATION IQTISODIYOT

ILMIY-AMALIY ELEKTRON  
JURNAL